



Икки пардали драма

Хассос олим, фидойи навоийшунос Хамид Сулаймон хамда сахнада Навоий тимсолининг
беназир ижрочиси — Олим Хўжаларнинг ёркин хотираларига багишлиданади.

Муаллиф

ИШТИРОК ЭТУВЧИЛАР:

Навоий

Хусайний — шох [Хусайн Бойкаро]

Афзал — бош вазир

Бадиуззамон — шахзода

Мўмин Мирзо — Бадиуззамоннинг ўгли

Шоий — мударрис

Гулруҳсор — малика

Султонали — хаттот

Бобо Али — эшик ога

Маждиддин — вазир

Соний — вазир

Морбоз — сокчибоши

Тарлонбек — саркарда

Чори — навкар

Абдумалик — чопар

Талабалар, канизак за мулозимлар

Шинам сўри ёнига йўл-йўлакай гаплашганча кекса мударрис Шоий билан тийрак болакай — кичик шахзода Мўмин Мирзо келишади.

ШОИЙ. Эмди, шахзодам, «Тарихи Абомуслим»ни такрор килурмиз — кани, унутмадингизмукин?

МЎМИН. О, наинким унутмак — мен ани Пахлавон бобога айтуб, олкиш хам олдим!

Шоий (ўтиришгач). Хазрат Пахлавон кўп закий кишидур. Андог эрса, кани, бизга-да айнан ул зотига айтконингиздек баён этинг-чи.

МЎМИН. Хўп бўлур. Ул замонлар арабда алавийлар, умма-вийлар ва аббосийлар аталмиш уч гурух мавжуд бўлуб, хали-фалик тахти уммавийларда эрди. Оз нуфузли бўлмуш ала-вийлар ўз тирикликлари или машгул ва халифалик — бошкарув ишларига аралашмас эрдилар.

Аббосийлар эрса мудом таҳт эгалламак пайинда юришса-да, аммо кўп сонли ва жангари уммавийлардин ани олурга имконсиз эрдилар.

ШОИЙ. Хм, сўнги не бўлибдур?

МЎМИН. Тўксон йил халифалик килгон уммавийлар жабр-зулмни беадад ошируб, наинким араб бўлмагон улуснинг, балким минглаб араб хонадонларининг-да ёстукларин куритгонлар. Хусусан, алардин бири — конхўр жаллодлигила ном козонмуш Хажжож ибн Юсуф йигирма йил халифалик килгондур. Ондин аввал хам, кейин хам хеч бир хукмдор ҳалкка ул ёвуздек зулм ўтказмагондур. Ривоят борким, Хажжож ўз кўли бирла юз йигирма минг кишини ўлдуртиргон эркан.

ШОИЙ. Хўп, ул жазои ноҳакка мустаҳик бўлмуш шўрликлар кимлардур?

МЎМИН. Алар ўз юртларин химоя этконлар, гаровга олунгонлар, солук тўлай олмагонлардур. Жумладин, бизнинг хуросонлик аждодларимиз хам.

ШОИЙ. Хўп, бул бедодликлар охир кандог хотима топибдур?

МЎМИН. Аббосийлар сардори ўз улусиндин уммавийларга бас келадургон куч топмагач, донийларин бизнинг Хуросон сори йиборур. Аларнинг бунда йиккон тарафдорларига Абомуслим бош бўлур ва тадбир хам жасорат туфайлидин шухрат козонгон ул зот катта лашкарга эга бўлгач, олти юз мингдин ортуқ арабни маҳв этуб Хуросонни озод килур.

ШОИЙ. Абомуслим ўзи кандог киши эрди?

МЎМИН (бурро). Абомуслим ёши ўн тўккузда, баходур келбатли, саховатпеша йигит эрди. Авойили онинг ўзи хам кул бўлуб, уммавийлар жабрини ортуқ тортгон ва кўп якинларидин жудо бўлгон ситамдийда эрди. Шу важдинким', мудом мотам либосин — яъни каро кийюб юрур ва жанг асносидан ўзга пайт хеч кулмас эрди. Ул...

Ов кийими кийган, Хусайнин киради. Устоз-шогирд туриб таъзим этишади.

ХУСАЙНИЙ. Узр, маҳдум, сабогингизни бўлдик.

ШОИЙ (кўли кўксига). Асло, шохим, Сизнинг олий ташрифингиз бизлар-чун буюк илтифотдур.

ХУСАЙНИЙ (Мўминни кўрсатиб). Нечук, шогирдингиз — кичик шахзоданинг идрок-иштиёки сизни коникитируми?

ШОИЙ. Ваоллоҳ, кўз тегмасун, шохим, камина неча шахзо-даю олий зотларга тахсил бераб, харгиз бундог фарзанди донони кўрмагон эрдим. Худо хоҳласа, онинг камоли Сизни бенихоя мамнун этгусидур!

ХУСАЙНИЙ. Хай-хай, бул муболагангизни шахзодамиз чин олиб, кибр отун хаволатмасун эмди.

ШОИЙ (Мўминнинг елкасига кўлини кўйиб). Асло, шохим. Ўзингиз имтихон этиб-да бул фирузбахтнинг идроку кувваи хофизасига тан бермагингиз мумкиндур. Камина таълим бе-рурда мудом ўз рўбарўмда бола эрмас, улгайган кимсани тасаввур этурмен.

ХУСАЙНИЙ (набирасига синовчан тикилиб). Биз хали буни синааб кўурмиз. (Мўминга) Сиз бунга атонгизни чорланг-чи.

Мўмин «Хўп бўлур» дея югуриб кетади.

Махдум, не толеким, айни валиахдимизнинг дилбанди шундог фазилатлар намоён этур. Онга сиз мумкин кадар фозиллик ва комиллик сабогин бергайсиз, токим салтанатимизнинг бўлгуси тождори айни рисоладагидек бўлгай.

ШОИЙ. Шохим, бул факирнинг-да ёлгуз муроди шулдур — иншоолло бори айтконингиз бекаму кўст ато бўлгусидур!

ХУСАЙНИЙ (мамнун). Биз сизнинг ранжида хизматингизни мунасиб баҳолагумиздур. Эмди сизга рухсат.

Мударрис куллук килгач, чикади. Шох хонтахта устидаги китобни кўра бошлаганда Бадиуззамон билан Мўмин киришади.

БАДИУЗЗАМОН. Бузрукворимуз бизни истабдурлар?..

ХУСАЙНИЙ (китобни ёпиб). Ха. Сўрмакчи эрдим, кичик Мирзонинг таълим сулукидин воказфмусиз, деб.

БАДИУЗЗАМОН (Мўминга синчков тикилиб). Хар нечук умед борким, танбехга сазовор бўлмагай деб.

ХУСАЙНИЙ (бироз юраркан, Бадиуззамонга). Улуг бобомиз Абулмансур Темурбек тақдирин мушоҳада этингиз: невчун ул фотихи жаҳон, бехисоб лашкару валиахд фарзандлар бўлатуруб, бул фоний дунёни тарқ этгони баробаринда оилаю салтанати хам паторатга юз тутгондур?

БАДИУЗЗАМОН (отасининг муддаосини унча тушунмай). Шу важдинким, онинг эътимодли вазири — яъни бехудуд салтанатининг кўз-кулоги бўлмиш шайх Нажмиддин риёкор эркон — ўшал нобакор барча кўрнамак — хиёнаткорларни шул кабохатга бошлагондур.

ХУСАЙНИЙ (тасдиклаб). Ха, ул беокибат улуг жаҳонгирга хурмат кўрсатиб, васиятин тугал адо этмак ўрнига мунофик-лик йўлин тутуб, номакбул ишларни килгондур... (Таъкидлаб.) Хўп, минбаъд хукмдор шул киби муртадларни ўзига якин тутмаслик чун не йўсун иш тутса бўлур?

БАДИУЗЗАМОН (бир оз ўйлагач). Албатта... бул жабхадада биз сизнинг тажриба ва пандларингизга суюнурмиз, килагох.

ХУСАЙНИЙ. Андог эрса тинглангиз, башартики кўкда булат турса, билмассизким, андин ёгин келурми ёхуд шунчаки соя. Аксинча — офтоб эрса-чи?

МЎМИН. Шаксиз, андин харорат била рўшнолик келур!

ХУСАЙНИЙ. Офарин, Мадомики шундог эркон, хар бир сохиби таҳт ўзуни мажхул булатга эрмас, нурафшон хур-шидга бўйламаги дурустдур.

БАДИУЗЗАМОН. Бузруквор, ошкоррок баён этсангиз, токим биз... пандингизни дил катига мустаъмал жо айласак.

ХУСАЙНИЙ. Укуб олингким, абр-булатлар беимон Нажмид-дин кибилар эрса, офтобу зиёваш — Низомиддин Алишер эрур!

БАДИУЗЗАМОН. Багоят тўгри таъриф этурсиз, онхазрат, Мухтарам Навоийнинг дилларида мудом адолат ва эзгулик нурлари барк урур!

ХУСАЙНИЙ. Хулосаи калом ушбуким, качонки салтанат ихтиёри илкингизга ўтур —

сизнинг-да ўз хос Алишерингиз бўлмаги жоиздур.

БАДИУЗЗАМОН (бош чайкаб). О, бузруквор, бул борада толеъ офтоби ёлгуз Сизгагина таважжух этгондур. Мавлоно Датлатшох зикр этконларидек:

Ломакондин то зухр ўлгунча ул зоти комил, Бас, замонлар айланиб, келгайдур ўзга замон.

Сиздин олдин-ку андогини даврон билмабдур ва тагида качондур кўрмаги хам маълум эрмас!

ХУСАЙНИЙ (биroz юрвркан, мактаганнамо бош тебратиб). Хм, магар атонгиз Хусайн сulton бўлмаса эрди, анда Алишер хам бул кунги Навоий бўлмасму эрди... Биздин олдун муста-бид Абу Саид онинг шоири фозил тагойиларин катл эттуруб, ўзуни кувгин килиб эрди... Нихол хар неча ноёб ўлмасун, башарти зарур замину парвариш йўқ эрса, камол ўрнига завол топкусидур.

Мўминнинг елкасига кўлини кўйиб, уктиради.

Биз хатна тўйларинда шахзодамизга дорулфатҳ Астробод валийлигин ваъда этконмиз. Сиз эрса ато сифатинда бул карогимиизга мужассам ва мусаллам сабоклар бермагингиз фарз бўлур.

БАДИУЗЗАМОН (кўли кўксига). Иншоолло, онхазрат, бул даъватингиз биз-чун катъи дастуруламал бўлгусидур!

ХУСАЙНИЙ. Биз онча муддат сайру шикор азиматига туш-конмиз. Сафар оллидин иккингизга баъзи ақидаларимизни баён этдук. Эмди отланингиз, бизни кузатиб кўйюрсиз.

Бирга чикишади.

2-кўриниш

Навоий бир нуктага тикилганча кўлидаги танбурни чертиб-чертиб ўтирибди. Бир оздан кейин созни кўйиб, ёзувга берилади. Шу асно мактуб олиб мулозим киради.

МУЛОЗИМ. Таксир, Жомий хазратларидин чопар! (Мактубни беради). Ул кишининг номларидин мавлоно Али Сафий йиборибдур.

НАВОИЙ (мактубни олиб очаркан, мамнун). Сизга рухсат. Мулозим чикади. Навоий мактубни ўкийди:

«Хамд ангоким, олис сафар нихоясинда Эшон хазратларин сихатлари бомаромдур ва таъби рухлари масрурдур. Сизга устознинг дуои саломлари или янги битилмиш бир манзумаси-ни хамда ул зоти шарифнинг камина эшиткон захоти ракам этуб тургон зарофатгўйликларидин бир нечасини хавола эт-макдаман, токим тенгрим бизга иноят эткон завқдин Сиз хам бенасиб колмагайсиз дебон фируз баҳт Сафий».

Навоий итоат билан Жомий газалини ўкий бошлаганда,

Афзал киради ва ўзини сездирмай, тинглайди.

Рахна солдинг дилга жон бер деб мани девонани,

Не ажаб, дунё пайдидин ўгри тешгай хонани.

Мехри холин донасини дилга солма, эй ракиб,

Экмагил бехуда харгиз кора тошга донани.

Бас кил, эй машшота, мушкун кокулида колмади,

Бўлди дил дилга тугун ўйнатганингда шонани.

Кўйидин кўз узмаюн чангол солурмен кўксима,
Дарча очгум — сийнадин кўрсун ахир вайронани.
Окибат бегона бўлгум, сендин, эй ёр, не килай,
Кадр этурсен дўсти ёрдин юз карат бегонани.
Ишкга ўхшашлик такозо, ким буни инкор этур,
Шамга бокким, ёндирур ўзи киби парвонани.

Жомий, хушдин кетди, агёр, ул санамдин кам гапур,
Кўзларин юммуш эмди, киска кил афсонани!

Афзал томок киради. Навоий карагач, саломлашиб-кўришади.

НАВОИЙ (мамнун). Зап кутлуг дамда келдунгиз-да. Мулла Афзал, айни ташрифингиз арафаси Жомий хазратларидин мактуб олуб эрдук. Устознинг зукко мусохибларидин Али Сафий йиборгон мутойиба-зарофат гўйликлардин сиз хам баҳраманд бўлурсиз. (Ўкийди).

«Качонким биз Богдод шахрига етушгонимузда пийр Жамол Ирокий ўз муридлари ила хазрат хузурларига келдулар. Ул зот гавдадор, овози гулдурак киши бўлуб, ўз жонибинда эътиборли шайхлардин эркон ва бизнинг устозга эътимоди багоят баланд эркон. Галатким, онинг ва муридларин либосла-ри боштин аёқ тuya жунидин килингон эрди. Ва бу хол назардин четда колмади — яъни шайх хазратни кўришлари ила:
— Шукрим, оллох жамолуни кўрдук,— дебон лутф этгон эрди, устоз хам аларга карабон:

— Биз хам оллох жамолини, хусусан, оллох тияларини кўргондек бўлдук,— дедулар». Навоий мутойибадан кулганча, Афзалга карайди. Лекин унинг юзида паришонлик ва безовталик кўриб, жиддийлашади.

— Сизга не бўлду, мавлоно, ёким бетобмусиз?!

АФЗАЛ (ўзини тутиб). Йўк, Мирим, саломатмен... билурмен, vale илк дафъа бундаюн нотинч кўурмэн.

АФЗАЛ (огир бош иргаб). Ха, Мирим...

НАВОИЙ. Боиси недур?..

АФЗАЛ (лаб тишлаб чукур нафас олгач, изтироб билан). Гарчанд ўзумда Сизнинг зиёбахш дийдорингизни кўриш, шириндин ширин сухбатингиздин баҳра олуш матлуби не чандон бўлмасун, бундаюн келуб... шодумонлиг дамларингизда дилингизга гам-андух солмагон бўлур эрдум...

НАВОИЙ (сабрсиз). Хўп, анда... баён этингиз — не мушкулот сизни бу янглиг безовта килур?!

АФЗАЛ (огир тин олиб). Малика Гулрухсор... вафот этдилар...

НАВОИЙ (эшитганига ишонмай). Ё пирай?.. Качон?!

АФЗАЛ. Шу кеча, тун огишида...

НАВОИЙ. Во дариг!.. (Юзига фотиха тортгач, ўкинч билан). Илму одобда кандог баркамол, хусну латофатда кандог беназир эрди... (Соколини тутамлаб бош чайкайди). Нафис ашъорлар битгувчи эрди... Эсизким, бевакт завол топмишдур.

АФЗАЛ (уф тортиб). Ха, ажали бедавонинг энг бемаъни килмиши шулким, ўз хуружида адашмагон они кам: мудом неча-неча улуснинг жонига эткувчи захарниш тиканлар колиб, мана шундог маъсума — ёруг оламга файзу кўрк бўлгувчи гулларни хазон этур!

НАВОИЙ (хамон ўзини босолмай). Ахир, табиб Малхамий, касаллик авж палласидин ўтди, иншоолло, малика эмди согаюшга юз тутур, дебон шохни хотиржам килгон эрди-ку?!

АФЗАЛ (тасдиклаб). Шундог. Вале надоматлар бўлгайким, орага ёвузлар аралашибдур—табибнинг дармон доруси аламаштирилуб кўюлмуш, малика захарланибдур...

НАВОИЙ. О, бадкор ёвузларН Эсиз увол кетмиш жон!..

Бир оз танаффус.

Шохга хабар кетдиму?

АФЗАЛ (бош чайкаб). Йўк — бунга хеч кимнинг журъати етмас.

Навоий таажжубланиб карагач, изох беради.

Шаханшох сафар оллидин маликага атаб катта сарв остинда хос кўшк ясатуб, дедиларки, ким онинг согайиш муждасин еткурса шохона инъом—от била тўн олур, башартики нохуш хабар еткурса, тили кесилур ва боз устига ўзи хам отсиз колур деб... Сарой мулоzими киради. Унинг кўриниши бесаранжом, талvasали.

МУЛОЗИМ (Афзалга). Таксир!.. (Гапиролмайди). АФЗАЛ (хавф сезиб). Сўзлангиз.

МУЛОЗИМ. Табиб — Малхамий... ўзини осибдур... АФЗАЛ (сесканиб). А? К-качон?!.

МУЛОЗИМ. Сиз бу ёнга ташриф буюргоч, саройга амир Зулунбек келуб, малика холотун билмай чун табибни йўклаттириди. Мен борсам, табиб недандур жуда дилгир эрди. Ким чорлаётгонин эшитуб, тагида безовта бўлди. Сўнг ёнларидин ушбуни олуб сизга етказувимни ўтиндилар. (Хатни беради). Кейин менга андак сабр этмакни тайинлаб, бир хонага киргонча хаяллаб колдулар. Мен ул кишини шошилтургали борсам... не кўз ила кўрайким, жон жасадни тарқ этгон эркон...

АФЗАЛ (ўзини кўлга олиб). Сизга рухсат.

Мулоzим кетади.

НАВОИЙ. Кани(ул шўрликнинг номасун ўкунгиз-чи).

АФЗАЛ (титрок овоз билан ўкийди).

«Аллома вазир жаноблари Башартким маликам шикаста дарддин фориг ўлгонида каминага беадад илтифотлар насиб этгуси эрди. Вале, надомат-ким, яратгонга акси маъкул келиб, маъсума фариштани ўз даргохига чорлабдур...

Бул жонибдин... камина-да сўнг йўл сори равона бўлурга азм этдум. Зеро воеа тез сultonга маълум ўлгач, онинг кахри жунбушга келиб, бамисли аждаходек кўпларни ўз домига тортур. Факир шул талотўпда сўйилмакни истамадим — токим тупрокка коним жисмдин айру кирмагай, деб адой Малхамий».

НАВОИЙ (афгон чекиб). Хей аттанг!.. Шундог одамижон табиб, хар куни неча дардмандларга нажот бўлгувчи киши... шошибдур!..

АФЗАЛ. Хм... лоакал ул каттол Зулунбек келмастин тургонда-да бечора менинг жавобимни кутур эрди...

НАВОИЙ. Зулунбекнинг бул фожиага не дахли бордур?

АФЗАЛ. Шаханшох они маликани даволатмак-парваришламак борасига мутасадди таюнлаб эрдулар... (Ўкиниб). Толеъни бебахтни кўрингким, ул боринда жамъи иш ўрнуда эрди — кеча маликанинг сихатин айтиб, шохдин инъом олгрн, бул кун кайтуб келса бундог хол... (Бошини чангагланча). Буда яна бизнинг шўришимиз. Негаким, сultonимиз, эҳтимол аввал боргон чопарга шафкат килмаги мумкиндиру vale эмди кангуллари тамом таскин топуб, хотиржам бўлгонда ким бормасун безиён кайтмас... Хуллас, аросатда колгонмиз — шул борада бирор йўрук берингиз, Мирим.

НАВОИЙ (инدامай бироз ўйлагач, когозга хат ёзиб узагар-кан, таъкидлайди). Сиз чопарлар сирасидин энг тадбиркор ва хушмуховарасун топуб, мазкур мисрани ёд эттуинг, токим ул сultonга равон баён этсун

Уп сарвнинг соясинда сўлди гул, нетмок керак!

Башарти чопар ушбуни рисоладагидек айтуб бера олса, мен шохнинг одатин яхши билурмен—ашъор айткон кимсайи хеч вакт жазога дучор эттурмас, билъакс, анго шойистарак жавоб айлашга тутинур.

АФЗАЛ. Бор, шундог чопар бордур. Бул вазифани чопар Абдумалик, айни Сиз тайинлаётгонингиздек, ўринлата олур.

НАВОИЙ. Унда Абдумаликка айтунгким, мен онинг сафа-рин безиён кечувига кафилдурмен.

АФЗАЛ. Иншоолло айтконингиз келгай, Мирим.

Чикади.

3-кўриниш

Хусайнин вазирлари Маждиддин, Соний, саркарда Тарлонбек ва сокчи боши Морбоз билан сайхонликда майхўрлик килмокда. Даврадошлар вактихушликдан арзимаган нарсадан хам кулги чикаришиб, хохолашадилар. Шох ўзи ичиб бўлгач, улфатларининг навбати билан жом сипкоришини кузатади, гоҳо лукма ташлаб туради.

ХУСАЙНИЙ (барча ичиб бўлгач). Хей, тинглангиз!

Улфатлар дархол жим бўлишгач, шеър айтади.

Элга ким хуршид тоби заррани пайдо килур,

Гунча оғзинг сиррини хам гул юзинг гўё килур.

Зеб этур кўқ сабзаси бирла куёш рухсорини,

Котиби кудратки, хаттинг нусхасин иншо килур.

Бор эркон ошикга меҳнат ўкларин ёгдургали,

Улки мужгонинг килиб навак, кошингни ё килур.

Истади жону кангул накдини вах суд айларам,

Гар лабидин бўсае ул накд или савдо килур.

Хажр зулмун кўрки, сабр айлай десам, айлар халок,

Айласам бесабрлик олам аро расво килур.

Меним ахволум кўруб ибрат олунг, эй ахли ишк,

Кимки бир бадмехр ишкида узун шайдо килур.

Эй Хусайнин, чун ул ўтлук чехрадин олсам назар,

Кўзларимга дарди хижрон коцидин ўт чокилур.

Шох газални тугатиб, шароб симиради. Улфатлари эса бир-бйрига гал беришмай мадху санога ўтишади:

— Э, яшанг, шохим, жовидон яшангиз!!.

— Тасанно, олампаноҳ, сиз назмда-да мумтоздурсиз!

— Бундаюн аъло ашъорни камина умри бино бўлубки, харгиз эшитмагон эрди, офарин, минг офарин!!.

МАЖДИДДИН (салмоклаб). Шохим, сизнинг бундаюн комил суханлигинизга наинким биз, хатто шоири замон Навоийда тан бериб куллук килса арзийдур! Зероким, онинг энг сара назмлари хам сизнинг бул ашъорингиз оллида хийра тортуб, биайних...

ХУСАЙНИЙ (хушомадларни илжайган кўйи эшитишдан тўхтаб, эътиroz билдиради).

Хай-хай, шоир Навоийни бундаюн баҳоламангиз — хар не муболагада-да хад бўлмаги

жоиздур.

Улфатлар кизгин эътиroz билдиra бошлайдилар:

— Биз зинхор муболага этмадик, олампанох!

— Филхакикат рост — назмда-да сизга тараф йўктур!!

— Бул таърифда — яъниким биз эшутмак шарафига ноил ўлгонимуз сизнинг беназир газалингиз Навоийнинг айтконларидин аъло ва...

ХУСАЙНИЙ (уларни босиб). Хей, сизлар хозир каминани шоирлик рутбасинда хатто Навоийдин-да ошируб мадх этурсиз. (Маъноли бosh чайкаб). Вале бунинг-ла менда ўзларингизга марҳамат эрмас, балким хайрат хисларин пайдо килурсиз. Зеро камина ўзга бобларда кандоглигим билмасмен-у, вале назмда не нав иктидор касб этгоним яхши билурмэн.

Улфатлар яна ким ўзарга тушишади:

— Бале! Сизнинг назмда камол-иктидорингиз беададдур!

— Одам атодин то шу кунгачаюн умргузаронлик этмуш шуаро ичра хам мумтозу ягона дурсиз!!.

ХЎСАЙНИЙ (ранжиганнамо). Эх, сиз аркони давлат... шеър ўкумассиз, шул боиски пўчок ила магизнинг тафовутин ажратолмассиз!.. Кани, менга айтингиз-чи, сизлар Навоийдин бирор байт билурмусиз?

Улфатлар жавоб беришолмай, кўзларини яширишгач, шох ўзи завқ билан шарх этади. Эх, анинг нашъу намосини нега teng деса бўлур!

Дилни — гам-ташвишдин форуг этуб, бамисли яшартирур!

Ул парнваш хурнинг мен телбадек шайдоси чўх,

Не ажаб гар тўлса олам мулкида гавгоси чўх.

Эй кангул, мумкин эмастур васли невчун ким эрур

Сабру хушум озу онинг нозу истигноси чўх.

Мен гадо найлаб сочи мушки харидори бўлай,

Ким эрур шахлар димогида анинг савдоси чўх...

Лаълидин ком истарам, не чора етса канглума

Кипригининг найзасидин заҳм ипа ийзоси чўх.

Бас баходирваш эрур, лекин мулойим хам эрур,

Ким Навоий канглуга тушмиш анинг васвоси чўх.

Шох улфатларига кааркан, уларнинг ўзи кутганчалик таъсирланиш ўрнига, сассиз-нокулай вазиятда ўтиришганларини кўриб энсаси котади ва дашном беришга тушишади:

Хей, сиз бечоралар... бунингдек шавқдин мудом бенасибдурсиз — на тонг отмаги фарахин билурсиз ва нада тўлун ой тароватин. Сизлар чун алафдин гулнинг ва зогдин булбулнинг фарки йўктур. Сизнинг энг юксак севинчингиз ногах олтун тўлук хамён топуб олгонда яким эрса ялток-хушомадингиз чун мендин садака-илтифот кўргонда барк ургай, холос! (Гунох устида кўлга тушгандек нокулай ахволда колган улфатларини яна бир кўздан кечиргач, ўсмокчилаб сўрайди). Кани, эмди бир рост сўзлангиз-чи, ушбу айтконларим хакикатму йўк?! (Улфатлардан садо бўлмагач, овозини анча кўтаради). Эй, мум тишлагонлар, бийронлигингиз каён кетмуш — мен ўз суолимга жавоб истармен!

МАЖДИДДИН (тилёгламалик килиб). Шохим, сиз доимо ва фактат хак сўзлар айтурсиз. **СОНИЙ**. Ха, олампанох, бунга асло шак йўктур.

ХУСАЙНИЙ (юмшаб). Ундоғ эрса укуб олингиз: магарким мен салтанат Шохи эрсам, Навоий — шеър мулкининг султонидур. Сизлар... эмди... назм дурларин тизмакни-ку

эплолмассиз, лоакал ани эшутгон ёким ўкигонда баҳра олмакни билингиз-чи.
МОРБОЗ. Бул ўгитингиз бош устига, шохим, айни сиз айткондек иш тутмак бизчун фарзу
вожиб дуурп!

ТАРЛОНБЕК. Айни шундог бўлур, давлатпаноҳ!

ХУСАЙНИЙ (атрофга ишора этаркан). Мана, биз айёми Наврӯз гаштин сурurmиз. Бул
хиСлат одамга хосдур. Яъниким, кечмуш йил манзилин янгиси олмаги киши канглуда
ажиб хислар пайдо килур. Эмди шул ўзгармушларни шоир тавсиф этса — бул бамисли
узукка кўюлмуш кўз янглиг тагида мажозиб бўлгай!

СОНИЙ. Филхакикат рост, айни шундог бўлур!

ХУСАЙНИЙ. Камина хар кўклам Адид Собир Термизий хазратларин камоли завқ-ла ёдга
олурмен. Боисики, Хурросон шуаросин сардафтари бўлмуш ул зотнинг бундин уч юз йил
муқаддам айткон таърифлари хар галги Наврӯз ташрифин-да — бамисли баҳор такрор
гул очгони киби ўз тароватин янгидин манзур этур:

Богу сахрова кўруб наврӯзи олам нашъасин

Жону дил шайдойи хусни богу сахро бўлдулар.

Борди хутнинг ортидин — етди хамалга оғитоб,

Дашт аро наврасташоху барг пайдо бўлдулар.

Хар кангулни бог или бўстон хавоси масть этур,

Бул хаводин кумри, булбул масть гўё бўлдулар.

Бўлмаса сокий булат, май бўлмаса ёмгур магар,

Лолалар нечун кадах янглиг мусаффо бўлдулар!!

(Кўлига кадах олиб). Кани, эмди шул мусаффо кадахларда лолагун майдин сипкорайлик,
токим омонлик ва шодумонлик мудом йўлдошимиз бўлгай!!. (Май куйилади).

ТАРЛОНБЕК. О, оғарин шохим, минг оғарин! Багоят зўр лутф ирод эттунгиз!!

КОЛГАНЛАР:

— Бале, айни дил муддаосин баён эттунгиз!!

— Илоҳо, ушмундок шохона лутфлар тингламак бизга бир умр насиб ўлгай!

— Шохимизнинг шавклари то рўзи киёматга кадар булоқдек жўшиб тургай!!!

Ичишади. Шу асно мулоzим киради.

МУЛОZИМ, Шохим, саройдин чопар.

ХУСАЙНИЙ (мўйловини артаркан). А? Чопар? Кирсун.

Мулоzим чикади. Чопар киради.

Хм, сўйла-чи, бизга не муждалар келтурубсен?

ЧОПАР (кироат билан).

Ул сарвнинг соясинда сўлди гул, нетмок керак?

ХУСАЙНИЙ (сергакланиб). А? Не дединг — такрор эт.

ЧОПАР (бироз хадик олиб).

Ул сарвнинг соясинда сўлди гул нетмок керак?..

ХУСАЙНИЙ (ўша охангда).

Сарвдин тобут ясад, гулдин кафандан этмок керак.

ЧОПАР. Амрингиз вожиб, шохим, сиз айтконча бўлур.

Чопар тез кетади. Шохнинг авзойи ўзгариб, жимиб колади,

МОРБОЗ (кадахларга май куяркан, шохдаги ўзгаришни сезмай). О, тасанно таксири
олам, минг бор тасанно!! Сиз киби хозиржавобу нуктадон шоҳ шоиримиз борлигидин
бошларимиз... (Соний туртгач, шохга караб бака бўлиб колади.)

ХУСАЙНИЙ (хеч кимга карамай, туаркан). Зудлик или тадорик кўрилсун — хозирок

борохга кайтurmиз!

Шох кетади. Улфатлар хангу манг.

МАЖДИДДИН (афсусланиб). Хей аттанг. Мажлисимиз ширин, шохнинг кайфияти хам аъло эрди — муҳим ишларни битириб олмокнинг айни мавриди келгонда ов кўлдан кетди!..

ТАРЛОНБЕК (гижиниб). Аммо лекин давлатдин хам путур кетгонму дермон — косиби хам шоир, мирзоси хам ва ёким чопари хам!..

СОНИЙ (кесатиб). Сиз аларнинг шоир бўлгонига эрмас, балким султонимизнинг сулукбардори — шоири замон Навоий нафас олган хаводин нафас олатуруб аксунча бўлгонида ажаблансангуз дурустдур.

МАЖДИДДИН (маъноли бош чайкаб). Хар не бўлмасун, минбаъд бизнингда худди Навоийдек иш тутмагимиз жоиз эркон.

МОРБОЗ (кўзи чакчайиб). А?! Чамаси сиз ул ножинснинг «Одами эрсанг демагил одами, ониким. йўқ халк гамидин гами!» дебон мудом бизни хажв ва каҳр ўкига нишон этиш-ларин унутгон кўринурсиз, а?!

МАЖДИДДИН. Асло! Гар имкони тополмасам, лахза кечик-турмасдин они бори муҳлислари-ла Кўхи Кофнинг ортига йиборур эрдум! Бас, таги невчун. Навоийдек иш тутмак лозим демагим боиси буким, акс холда биз шохнинг эътибо-риндин буткул колурмиз.

ТАРЛОНБЕК. Хўп, анда Навоийни мактаб эришатургон мав-кени не килурмиз — наинки биз хам онингдек таркидунёчилик тарикатига ўтсак?!

МАЖДИДДИН. йўқ, бул тадбир зохирон, холос. Шоҳки шуни макбул кўрибдурму, бизнинг хам онинг таъби ройишига пайравлашмакдин ўзга макомимиз йўктур. Башарти Навоийни ошкор ерга уратургон бўлсак, таёк айланиб ўз бошимизга тегур эркон. Хулоса шуким, минбаъд онинг ёзгон-ларин ўкуб, тилда кўкларга кўтармак, зимдин эрса чохга итар-мак самаранок бўлуркан.

Бирга маъкуллашиб чикишади.

4-кўриниш

Сарой мотамда. Кора кийинган кишилар у ён-бу ён ўтиб туришади. Бобо Али югуриб ўтади. Йўл-йўлакай унинг «Устоз, устбз! Тез юрингиз, султон хазратлари келмакдалар!» дегани ва унга жавобан Навоийнинг «Канилар?» дея сўрагани эшитилади. Кейин Бобо Алининг «Мана бу томондан келмакдалар, тезрак юрингиз, зеро ул кишининг важохатлари таҳдиднокдур!» дея шоширгани ва айни шу пайт узокдан бирорнинг фарёд согани, шохнинг эса. «А?! Шафкат!!! Мана Шафкат!! Мана Шафкат!» дея урган наъраси эшитилади.

БОБО АЛИ (саҳнадан ўтаркан, даҳшатга тушиб). Во аллоҳ!.. Шох Шоди Дўлтойни чопуб ташлади!..

НАВОИЙ (ўтаркан). Ха, шох саройга килич ялангочлаб келибтур!..

Яна шовкин. Шохнинг «Кани ул?» деган зугуми ва тараклаш овози эшитилади. Чирок бироз ўчиб ёнади.

Навоий билан Хусайний киришади, Хамон ўзини босолмаётган шохнинг тирсагидан тутиб келади. Унинг иккинчи кўлида эса килич ялтирайди,

ХУСАЙНИЙ (титраб). Дўстим, бизга ўзунгизни босингиз, тинчланингиз, дерсиз. (Кўксига уриб.) Вале мен кандог тинчланурмен?! То мазлума маликанинг хар тола сочи чун бир муртаднинг жонин олмастин, тазаллум этмасдин кандог тинчланаюн, а, кандог?! НАВОИЙ (вазмин). Бул ададсиз кайгунгизга бизни-да хамдард билгайсиз. Баногох фожией хабарни эшитуб бамисли сийнамизга ханжар санчилгондек бўлди... Аммоқим, фожиадин бир мунча оллин вокиф бўлғонимиз ва факат шул хусусда фикират этғонимиз боисидин факирда баъзи андешалар борким — эътиборга молик кўрулса айтур эрдик. ХУСАЙНИЙ (карамасдан). Айтингиз, неники билсангиз пин-хон тутмангиз. (Таъқидлаб.) Валекин кангул юмшоклик ила биздин котиллар гунахин тиламангиз! (Килич ўқталиб.) Хали мен аларнинг бошларига шундог кунларни солайким, то етти пуштлариғача унутмасунлар!!.

НАВОИЙ. Албатта, котил кимлар бўлмасун, килмишларига яраша жазоланмаги лозимдур. Валекин бунинг чун аввал аник белгиламак керакдур — акс холда хар тўкилмуш бегунах кон фожиа кўламин кенгайтирмақдин ўзга нафъ келтурмас.

ХУСАЙНИЙ (бироз шаштидан тушиб). Хўп... не маслаҳат берурсиз?

НАВОИЙ. Аввало шулки, таомилни унутмайлик. Бунда маликани... иккинчи кунки, Сизга каратиб турурлар — панохига топшурмак лозимдур. Токим мархума таги бир кун тириклар можаросига шерик бўлмагай. Иккинчи маслаҳат эрса — килични Сиз тутмагонингиз маъкулдур. Зоро Сиз тафтиш ила айбдорни тополсангиз бас, андин сўнг жаллод онинг жазосини ўзунгиздин-да шафкатсизрак бермаги мумкиндур.

Шоҳ индамай киличини кинга солади. Сўнг бирпас тургач, бўшашиб, гандираклаб кетади. Навоий уни суяганча олиб чикади. Салдан кейин маросим тиловати эшитилади.

5-Кўриниш

Вазорат. Хожа Афзал билан Чори навкар гаплашиб киришади.

ЧОРИ. Мен чопарни кўрмадим, ул хакда каминага хеч гап маълум эмастур.

АФЗАЛ. Ахир шоҳга хабарни еткургон ўшал-ку?!

ЧОРИ (ўтиришгач). Билмадим. Биз — хос навкарлар онча олисда эрдик. Боз устига ов бароридин келиб, зиёфат куюк ва унча-мунча шаробда нўш килгон эрдик.

АФЗАЛ. Хўп, унда колгонлар кани, нечук биргина сиз келиб, ўзгалар ажраб колмишлар?!

ЧОРИ. Боя дегонимдек, биз тамоми бамайлихотир гашт килиб ўлтирурдик. Бир пайт ёв бостиму ёхуд ўзга бало кўптй-му, ногах «Отланингиз, зудлик ила саройга кайтурмуз!» дедилар. Отларимиз эрса олисда-бокувда эрди. Кўлларида эгар туткон масти — сархуш йигитлар аларни тўздуруб, хар бири ўзуниkin топкунларича талай фурсат кечти. Меним отум эрса качонки чорласам, елуб келур эрди. Шул туфайлидин тез отланиб бу пайт йўлда бўлгон шаханшох ва аъёнлари ортидин кетдим. Йўлда дарёning суйи тошкон эрса-да, сulton хазратлари тикка от солгоч, биз хам шул йўлни туттук. Аммоқим ул томонга ўтуб боксам, шоҳ била мендин ўзга бирор кимса дарёдин кечолмабтур. Яъниким, бир иккисин сув олуб кетгач, колгон бори ортларига кайтмишлар. Эмди алар то кўприқдин ўтуб, етуб келгунларига кадар яrim кун кетур.

АФЗАЛ (ўйга чўмиб). Хм...

ЧОРИ. Такдир... балким сиз айтурсиз — бунда не воеъ юз бермиш: исёнму, боскинму — ханузки билолмасмен?

АФЗАЛ (үф тортиб). Хей, алардин-да огир мусибат — малика вафот эттилар...
ЧОРИ (сесканиб). Во дариг!.. (Юзига фотиха тортгач.) Шундог гул... хазон бўлибдур-да,
а?..

АФЗАЛ (боши билан тасдикларкан). Ха, бир очилуб... сўнг хазон бўлди...
ЧОРИ (биroz жимликдан кейин). Эмди... бизга не йўрук берурсиз — факир не килорум
хам билолмасмен.

АФЗАЛ. Хозир энгил-бошингизни алмаштиринг — маъракада иштирок этурсиз.
ЧОРИ. Маъкул.

Чори кетгач, безовталиги ошиб Афзал хам чикади.

Вазорат. Тун. Мулозим шам ёкиб кетади. Афзал кириб, кийимларини алмаштиради.
Мулозим мактуб ва чойнак олиб киради. Афзал мактубни ўкиб турганида Абдумалик
киради. Мулозим чикади.

АБДУМАЛИК. Ассалому алайкум, таксир.

АФЗАЛ (пешвоз юраркан). Ваалайкум ассалом... (кўришиб.) Ишқилиб сог-омонмисиз,
иним? (Эшик томонга.) Беккулбек, Мир жанобларига чопар келди, денгиз, хотиржам
бўлсунлар.

АБДУМАЛИК. Нечун ташвиш чекмак? Мен шаханшохни айтилгон ердин топдим,
тайинлангон мисрани айтдим ва ул кишидин шойиста жавоб олуб кайтдим. Хуллас, мана,
кўруб тургонингиздек, хузурингизда хозир нозир туурмен.

АФЗАЛ (ўтиришгач, пиёлага чой кўйиб узатаркан). Пешинда султонимиз важоҳат-ла етуб
келдилар. Ул кишига гап уқтирур-га хеч кимсанинг хадди етмасди, бир неча бечоранинг
шўрин куритдилар... Мен Сизнинг-да ёш умрингизга зомин бўлдим-му, дебон кўп
изтиробда эрдим. Хайриятким, аждаҳо комидин безиён чикибсиз.

Навоий киради.

АБДУМАЛИК (тавозе билан). Ассалому алайкум, таксир.

НАВОИЙ (кўришаркан). Ваалайкум ассалом. Калай, сафарингиз бехатар кечдиму, йигит?

АБДУМАЛИК. Худога шукр, бори рисоладагидек бўлди — ўзум хам сог-саломатмен,
хаттоким бир кадар мамнунмен — зеро, камтарин хизматим-да Сиздек мўътабар зотнинг
олий назарларига ноил бўлубдурман, (Таъкидлаб.) Ул беназир мисраингизга эрса
шаханшох хазратлари хам багоят шойиста жавоб айладилар:

Сарвнинг соясинда сўлди гул, нетмок керак! Сарвдин тобут ясаб, гулдин каеран этмок
керак.

НАВОИЙ (тин олиб). Эх, даригким, боиси фожиадур. Йўқ эрса эл оғзига тушатургон бир
шоҳ байт яралибдур-а!..

АФЗАЛ. Вале, бир жихатдин шукрким, шул ўтлуг мисра-лардин яралмиш байт
туфайлидин мазлума малика тақдири хам эл ёдида колур.

НАВОИЙ. Хўп, биз эмди кайтурмиз. (Афзалга.) Сиз бул шеромарднинг жўмардлигин
муносуб сарафроз этурсиз, албатта?

АФЗАЛ. Ха, албатта.

НАВОИЙ (кетаётиб). Хўп, сизларга тангри ёр бўлсун.

АБДУМАЛИК. Таксир... (Навоий карагач.) Гар маъзур тутилса, факирда бир тилак бор
эрди...

НАВОИЙ. Не эркон ул?

АБДУМАЛИК. Камина Сизнинг мухлисларингиздинмен — хаттоллар неки кўчиришса,
кўзга суртуб ўкиюрман. Башартиким, бул мулозимингизнинг хизматин рагбатга муносуб
санасангиз, бизга ўзга инъом эрмас, янги битикларингиздин Хадя этилса... андин ортук

путфу карам бўлмасму эрди...

НАВОЙ (бошдан оёқ разм соларкан). Маъкул.

Абдумалик куллук килади. Сўнг Афзал билан бирга Навоийни кузатиб чикишади.

6-кўриниш

Гира-шира коронгулик. Узок-якинда хўроздлар кичкирмокда. Икки бор карс овози эшитилади. Шам тутган мулозим киради. У «Буюрингиз, шохим» дея шамни шохнинг олдига кўймокчи бўлади. Калин тўшак устида, ёстикка суянганча ўлтирган Хусайний шамни нари сураркан, «Муножот» дейди. Мулозим чикади. Созанда-хонанда-лар «Муножот»ни бошлашади. Шох шикаста овоз билан кўшик матлаъсини такрорлайди: Кеча келгумдур дебон ул сарву гулру келмади, Кўзларимга кеча тонг откунча уйку келмади...

Сахна секин ёришади. Шох газал тугагунга кадар бўйин-кўкракларини укалаб ўтиради. «Муножот» тугагач, мулозим киради.

МУЛОЗИМ. Шохим, такрор айтсунларму ёким бошка бирин...

ХУСАЙНИЙ (карамасдан). Довот.

Мулозим чикиб, ёзув анжомларини келтиради. Шох унинг кирганини сезмасдан ўзича гапиради:

— Ха-а... шоир Сухайлий айтконидек:

Соямдин ўзга ёр йўқ кимсадин еткон куни гам, Лек коронгу тунларимга килмагай токат ул хам...

Мулозим ёзув аслахаларини бериб, чикади. Шох когозга бироз ёзгач, ўзича маликага мурожат этишга тушади.

Фариштам!.. Эмди сени кайдин топурмен?.. Гар изингла борсам висолинг таги насиб бўлгайму?! Ёким ул манзилда сен маъсумани бехишт bogiga олгонлар, меним беадад гунахларим-чун томуг ўтига дучор этурларму?.. Нахот, эмди сен-ла туш ёким хаёлотдагина розлашув колгондур, холос?.. (Яна кўксини чанглаб колади.)

Чирок ўчади. Бироздан кейин куй чалиниб, кўкимтири нур сахнани ёритади, Ташкарида кизларнинг шўх кулгилари ва лапар айтишлари эшитилади. Малика Гулрухсор буларни эшитмайди — у каттик бе-рилганча китобдан нусха кўчирмокда. Канизак киради.

КАНИЗАК. Маликам, шаханшох хазратлари келмакдалар.

ГУЛРУХСОР (шошиб туаркан). А? Канилар?..

КАНИЗАК. Хозир хузурингизда бўлгайлар.

Гулрухсор кийимларини тузатади. Канизак когоз-довотларни олиб чикади. Сафар кийимидағи Хусайний кириб эшик олдида тўхтайди.

ГУЛРУХСОР (таъзим этиб). Ассалому алайкум, яхши келдингизми, Бегим?

ХУСАЙНИЙ (кош учирив). А? Бегим? Нечук хеч «шохим» демассиз?

ГУЛРУХСОР. Сиз — хама учун шохсиз. Вале фукаролар холидин гах огох, гах ноогохсиз. Ёлгуз мен чун наиний шах, ва яна бексиз — хузуримда шахликдин озод, вале андин-да бехсиз.

ХУСАЙНИЙ (завк билан маликани кучмокчи бўлиб). Жоним! Мен — сафардада мудом сенинг ёдингла юрдим!..

ГУЛРУХСОР (четланиб, гинаомуз). Даъвоингиз балким ростдур. Вале нега ошкор

этурсиз, эларо достон килурсиз?!

ХУСАЙНИЙ (тушунмай). Шама нечун — онгламадум?

ГУЛРУХСОР. Мен чун аталгон деб... ул таърифларй аввал гайр нигохларида хавола этурсиз!..

ХУСАЙНИЙ (кулимсираб). Ха.. Бунда гинага асос йўктур. Камина бир кадар хусниҳатдин йирокмен, шул боиским, алар-ни хаттотларга берурман. Токим маҳорат-ла накшлаб, андин сўнг маҳбубамга еткургай деб.

ГУЛРУХСОР. Бегим, накшларингиз монанди сиёхга белан-миш чумоли изидек бўлсун-чи, ўзим бамисли кошга кўюл-миш ўсмадек келиштуриб кўчируб олурмен — зеро бирмунча хаттотлиқдин-да хунарим бордур, факат ёт нигохлар алардин вокиф ўлмасалар бас.

ХУСАЙНИЙ (уст анжомларни ечаркан). Биргина шул хусусда мунча баҳс. Гина не туфайлидур — рашқдинму ё истиғнодин?

ГУЛРУХСОР. Асло. Бул эҳтиёт ва... ибодин, Бегим.

ХУСАЙНИЙ (анжомларни бераркан), Хар иккиси-да ўрин-сиздур. Аксинча, шоир — ошик Хусайний ўз маҳбубасин кан-дог васф этгони эл аро достон бўлгонига не етсун!

ГУЛРУХСОР (таъкидлаб). Вале унутмагайларким, Бегим шунчаки ошук эрмас, аввало салтанат соҳибидурлар...

ХУСАЙНИЙ. Навоий дебдурки:

Ишк боги холотун сўр ошики огоҳдин —

Ким фазосинда тафовут йўқ гадога шоҳдин!

ГУЛРУХСОР (хозиржавоблик билан).

Гадо ризқ топконда тилаб, шах топкуси талаб, Ки адлму аларга бўлса бир йўсун талаб!!

ХУСАЙНИЙ (кулиб). Маглубмен! Вале хануз истихола боисин билолмасмен. Не учунки ёр васфин таъриф этгон ошиконалар Навоийни етти иклимга машхур этуру Хусайнийга эришдур?

ГУЛРУХСОР. Бегим, шоир Навоийнинг хаёлий маҳбубаси бир самовий юксакликдаким, онинг таърифи, бамисли тўлун ой хар хонадонга баробар нур сочконидек, хеч кимсада гайри фикрат тугдирмас. Сизнинг эрса... бир неча оиласангиз, жория-ларингиз бордур. Шул важдинким, ашъорингизда битилгон тавсифу аъмолларни ўқигонлар «султоннинг шамъи кайси гўшани ёритмакда эркон?» киби фикрларга-да бормаги мумкиндур. Боз устига Сиз таърифда муболагага чунон эрк берур-сизким, сўнг, кундошларим билмасмену, аммо мен эл наз-дидин холи бўлолмасдин афканда юурмен.

Хусайний ўйланиб колади.

Бегим, ҳазрат Навоийнинг ушбу мисраларин хотирингизга келтурсангиз, ўтинчим равшанрок онгланурмуди:

Аҳд килдум: ишк лафзин тилга мазкур этмаюн,

Тил неким, хомам тилидин таги мастур этмаюн.

Барча элга фитна бўлган кўзга мафтун бўлмаюн,

Хар киши наззора айлар юзни манзур этмаюн...

ХУСАЙНИЙ (гапни бўлиб, кулги аралаш). Хузурингизга толпуниб келгон шайдойингизни лоакал ўлтурмаккада изн бермасдин мулзам этмагингиз боиси шул эрса — биз ани ка-бул килурмиз. (Кўли кўксида.) Минбаъд ишк лавхасинда неким накш этсак, аввал Сизнинг назарингиздин кечиртурмай(асло ўзга нигохларга хавола этмасмиз!

ГУЛРУХСОР (ним таъзим-ла). Харгиз толеингиз завол кўрмасун, Бегим.

ХУСАЙНИЙ (тантанали). Хўп, шоир Хусайний минбаъд мудом фармонингизда бўлур (Таъкидлаб.) Эмди, мабодо Султон Хусайн Мирзодинда бирор тилагингиз йўкму?

ГУЛРУХСОР (жиддий.) Олиймаком султонимиздин хам бул жорияларин бир ўтинчи бордур. Гар лутфла ижозат этсалар...

ХУСАЙНИЙ. Ижозат, ижозат! Нейки тилагингуз бўлсун — айтингиз, мукаррар ижобот бўлгусидур!

ГУЛРУХСОР. Мархаматли шоири шох султонимиз ахду азм этсалар-да, ул зоти камилнинг шоирликлари менгаю, шохликлари ўзга даъвогарларга бўлса.

ХУСАЙНИЙ (тушуммай). А? Бул не демакдур?

ГУЛРУХСОР. Бегим, Сиз сафар авойилинда-да менла бўлуб эрдунгиз. Кайтгоч, таги бунга келмишсиз. Бека кундошларим... бу холдин норизо бўлурлар...

ХУСАЙНИЙ (хонтахта ёнига ўтиаркан, кўл силкиб). Хе, истихолангиз шунданму?! Алар шу кунларига шукр этсунлар, акс холда Бека Султонбегим ва Шахбону Бегимлар киби са-ройни тарк этмакларида эҳтимолдин холи эрмас.

ГУЛРУХСОР (шох рўбарўсига ўтиаркан). Бегим, гул ўз бутасинда азиздур.

Завжаларингиз кўпи олий мартабали подшохларнинг кизлари ёхуд сингиллари дурлар ва Сизнинг алар оллинда-да бурчингиз бордур. Боз устига ул жуфтларингиздин ўн тўрт ўгулу ўн бир кизингиз хам...

ХУСАЙНИЙ (гапини бўлиб). Гулим, гар кўп бор завжлангон эрсам — бул шохлигим туфайлидин — яъни меним гунохимдур. Вале бека кундошларингизнинг хеч биринда Сизни-кидек шакар тил билан инжу дил йўклиги — аларнинг гунохлари дур. Хуллас, бизда ўзга завжаларимизла розлашурга хеч канча хохиш колгон эрмас. Бинобарин, бул мавзуга чек кўйилгони дурустдур!

ГУЛРУХСОР (илтижо билан). Бегим, гарчандки мен аларнинг хеч бирига ёзуглик истамасмен, вале канглум бийик бир нотинчлик сезмакдадур: магар ушбу ўтинчим рад этсангиз, ногах бир хунук хол юз бериб, дилингиз ранжитмаса эрди, дебон...

ХУСАЙНИЙ (катъий). Хей, Сиз не деюрсиз — мен ким Хуросондек улкан салтанат сохиби эрсам — неча-неча балдаю вилоятлар арзи тобелик изхор этсалару, наинким шул ўз харамимда тартиб ўрнатурда ожизлик килсан?!

Гулрухсор эътиroz этмокчи бўлганда, галиртирмай бўйнидан кучади. Чирок ўчади.

Бироздан кейин хижрон куйи ва унинг фони-да сўзсиз кўшик эшитилгач, яна сахна ёришади. Хусайний хамон тўшак устида, кўксини чанглаб ўтирибди. Пешонасига бир уриб кўйгач, ёнидан когоз олиб, тагин мурожаатга ўтади:

О, коимсиз санам!.. Мана, мен ахдимизга биноан, васфинг таърифинда янги газал битиб эрдим. Сен эрса ани ўзунгча накшламакни ваъда айлагон эрдинг... Мен буни эмди кимга кўрсатурмен?..

Бироз жим колади.

Хай, лоакал хаёлинг бўлсун, ўзунгга айтурмен. Бул шавки сенингла кетгон мотамзада ошикингнинг ўтмиш умриндаги энг масрур дамларин мухрланмасидур: (шикаста овоз билан ёзувни ўкийди.)

Кўз корасун хал этуб ёздум сенга ажзу ниёз,

Кўз ёшумни хам сепуб ул номага, эй сарвиноз.

Ишк еткач аклу хушу сабр хар ён бутрашур,

Ўт каён юзланса вожибдур ул элга эҳтиroz.

Ошкоро жон агар лаълинг сўзин айтур, валек,

Ёшурун гунчанг била канглумни бордур ўзга роз.

Ул не коматдурки, барча ростлар айлаб дуо,

Дерларки, бул гулшан аро ул сарф бўлсун сарфароз.

Шавки сабрим накдини айлай они кўргач фидо,
Демаса айб айлаб ул маҳваш буларни кўпу оз.

Чун хакикат нури ул ораз тажаллисингадур,
Не хакикат улки онинг ишкини ўйнар мажоз.

Эй Хусайний, ёр кўйи каъбаси наврўз эрур,
Не ажаб гар бенаволар айлар оханги хижоз...

Жим бўлиб колади. Эшикдан Навоий кириб, секин томок киради.

ХУСАЙНИЙ (туриб, Навоий билан кўришгач). Келингиз, Алишер.

НАВОИЙ. Нечук, бир кадар... карор топдингизму?

ХУСАЙНИЙ (ўтиришгач). Ха, эмди... кисмат шахлик аъмолин-да тан олмас эркон... Бунда ўзунгга келмиш юкни ўзунг тортурга маҳкум эрсанг... (Уфлаб.) Чорамиз канчадур...

НАВОИЙ (гап буриб). Келаётиб... бир тоза газал эшитдим — бугун битилгонму?..

ХУСАЙНИЙ (чукур нафас олиб). Хе... Сиз эшутмагондур-сиз — шул боис янги кабул этгондурсиз. Аслида ул яралгондин буён бир кўп эамонлар ўтмуш. Ул дамларда оламда бир Гулрухсор аталгон санам бўлгувчи эрди. Ўшал маҳваш бир шай-дони бекарор айлаб, васфида шундаюн мисралар тиздиргувчи эрди...

НАВОИЙ. Кўрсак бўлурму?

ХУСАЙНИЙ (газални узатиб). Малика... раҳматли бўлмасдин аввал каминанинг ишкномаларини то ўзи кўруб, таҳрир этмагунча хеч кимга кўрсатмаслик ваъдасун олиб эрди... Ушбу газал шикор асноси яралгон эрди. (Хўрсиниб.) Кечикибдур... Эмди бамисли кетиб колгон нишонга отилгон ўқ — новак каби аросатдадур...

НАВОИЙ (биroz ўкиб, бош чайкайди). Аттангким, маликага буни кўрмак насиб этмабдур... Багоят нозик ва ўтлуг эркон... Вале, умед борким, Сиз онинг таърифин буткул айтуб бўлмагондурсиз. Бинобарин, вактики келуб... хотирин ёд олгонда хомангиз таги мўъжаз наволар биткусидур.

ХУСАЙНИЙ (ёнидан яна бир битик оларкан, тушкин бош чайкаб). Бизнинг шодлигу шавкимиз-да ул тажаллисоз била кет-мушдур ва онинг васфинда минбаъд ушбу... дин ўзга хеч наво айтотмасмиз...

НАВОИЙ (когозни олиб кўз югуртиаркан). Э... бул мар-сия-ку...

ХУСАЙНИЙ (чукур нафас олиб). Ха, ўқунгиз. Овоз била ўқунгиз — ўзум хам эшутмак истармен...

НАВОИЙ:

Заъфдин ўргамчи домига йикилгач чирмануб,
Ул чибиндек тўрлади хар ён танумни айлануб.
Лайлию Ширину Узро бордилар, вах не ажаб,
Бўлмогим вола сангаким, сен колубсен сайлануб.

Вомику Фарходу Мажнун, ишк ўтига тузмаюн,
Бордилар, мен колдум алардин ўтумга чуркануб.

Чуркануб колгоч ўтумга, маҳфий истаб гайрдин, ,

Ўлтурубмен турфа иш, кўрким кулумни буркануб.

Хажрида жонимга бедод айласам айб этмангуз,

Ким, каттик хол эмуш айрулмак бировга ўргануб.

Вах, не толеъдурки гам шоми тушумга кирса ёр,

Бовар этмай уйкудин секраб кўпармен сескануб.

Ер кўйидин ўтарда бошима ёгса бало,

Анда айлармен таваккуф хар жихатдин куймануб.

Ранжу хижрон заъфидин тебранмагим имкон эмас,

Онча кувват кайдаким, күюнгга борсам суркануб.

Эй Хусайний, жуз фано оханги маълум ўлмади,

Кўйидаким навха килдунг заъф вакти ингрануб...

Дўстум... мен бандалик дардингиздан не чоглик гамдил ўлсам, бул навоибномангиз ўкуб, таги-да муттассир бўлдум ва Сизга кай сўз ила тасалли буурга-да ожизмен..

ХУСАЙНИЙ. Рахмат. Сиздёк дўсти содикни ато этгон тенгрига шукр. Хар он дилим гамдин ўртанур, vale одам зотидин хеч бир кимсани кўуруга хушум йўқ эрди, Ташрифу мулокотингиз дардимга бирмунча дармондек бўлди.

НАВОИЙ (ётиги билан). Ундоқ эрса... бизнинг хам бир дўс-тона маслахатимиз бордур: эмди... ўзунгизни харчанд узулатга олуб, афгор этсангизда натижа бўлмас. Бул тарафда эрса худудсиз салтанат — элнинг нигохи Сиздадур... Одам тафтин одам олур: тахтга чикуб, ахли саройга кўриниш берсангиз, токим...

ХУСАЙНИЙ (бош чайкаб). Наинки меним холим шунга келса? ёким афтодалигим дўсту душманга намойиш этмак чун кўринаюму?

НАВОИЙ. Йўқ, асло. Сиз салтанат сохибидурсиз. Ўзунгизда андок кувват топингким, кўл синиги енг ичра-ю, бош ёриги тож остинда колуб, фукаро мамлакат хукмдори борлигига, бинобарин, хукумат ва адолат баркарорлигига ишонч хосил этсин.

ХУСАЙНИЙ (тин олиб). Хей, бул дегонларингуз айтурга осондур, этгали эрса... дард бору дармон топилмас.

НАВОИЙ. Дўстум, фукаро ахволин-да бир хаёлга келтур-гайсиз: салтанатнинг олис балдаю вилоятларидин не машаккатлар чекиб бунга келгон арзгўйлар Сизнинг муҳрингиз ёхуд бир калима амрингиз чун мустар юрурлар. Качонким хукумат тарозусин бир палласида Сизнинг адолат тошунгиз турмас эркон, баъзи мансабдорлар эл хаккига жабр этурлар. Хуллас-ким, ногихон адасиз дард тушгон бул бошингизда айни дам тож юки хам мавжудлигин унутмагайдурсиз.

Шоҳ хаёлга ботиб, иккиланади.

Майли, бир мунча ўзунгизга келгунингизга кадар мен хам ёнингизда туриб, харна Сизга маслахат ва мулокот-да мадад берурмен.

ХУСАЙНИЙ (биroz ўйлагач). Майли... Сиз айтконча бўлсун. Кийина бошлайди.

2 ПАРДА

7-кўриниш

Навоийнинг хонаси. Афзал ёнбошлаб ўтирибди. Мулозим чой олиб келиб кўяди. Афзал чойни кайтариб ича бошлаганда иккита китоб кўтариб хаттот Султонали Машхадий киради. Саломлашадилар.

АФЗАЛ (ўтириштач). Келингиз, мавлоно! Яхшиям толеъ-мизга Мир жаноблари борлар,

йўкса сизни учратмак ўзунгиз накшлайтургон китоблар киби мушкулу ноёб бўлурмиди?! СУЛТОНАЛИ (кулиб). Хай-хай, бул гинани аслида биз килмогимиз ўринли бўлурди. Негаким, айтишларича, таксиримнинг ўzlари ушбу кезлар жаъми вузарони четлаб, давлат вазифаларин ёлгиз бажарур эмишлар?

АФЗАЛ (чой узатиб). Ажаб! Муболага бобинда-да маҳо-ратингиз хаттотликдин колушмас эркон, мавлоно.

СУЛТОНАЛИ. Магарким, бул муболага эрса, анда нечук, наинки биз — факирлар, хатто Мир жанобларин хам хеч йўкламассиз?

АФЗАЛ (жиддий). Бул гинангиз ўриннидур, мавлоно. Факат минг таассуфким, бу хол каминанинг хохишига зид тарзда юз берур. (Маъюс бош чайкаб.) Хей, Мир жанобларин мансаб-дорлик кезлари хўб бех замонлар бўлган эрконда. Хар бир вазифадор ўз юмушин вактинда бажаргувчи эрди. Шул боис-ким, хеч ким ишдин толикмас, боз устига турфа анжуманларга-да, нафакат фурсат, балким иштиёқ хам беадад эрди.

СУЛТОНАЛИ. Алхол саройда тутум ўзгармишму?

АФЗАЛ (бош чайкаб). Ха... Мир жанобларин кадамлари била гўёким саройни файз ва тартиб-адолат хам тарк этгон кибидур. Бир неча аъёну акобирлар борким, ўз вазифаларин унтушиб, яккаш сultonга улфатбозлик килмак пайнда бўлурлар. Шаханшох эрса... айни дамлар майхўрликка ружу кўйгондур. Пойтахту вилоятларда бедодлиг-адолатсизликлар ошиб борур. Хулласким, давлат юмушларидин ташкари, арзгўй-адолатталаблар холин хам камина тингламаса, ўзга талабгор топилмас.

СУЛТОНАЛИ. Бизни афу эткайсиз, таксир, гинамиз ноўрин эркон.

АФЗАЛ. Хўп, ўзунгиз бу кезлар не юмушлар-да машгулсиз — хар нечук биздек ночор ахволда эмасдурсиз?

СУЛТОНАЛИ. О, тенгрига шукрким, асло ундоғ эмастур — биз Мир жанобларин пурнур офтоблари остинда бори таш-вишларидин холи туруб, мана бундог китобатлар килурмиз.

АФЗАЛ. Багоят омадлидурсиз, иним. (Китобларга ишора этиб.) Булар не хусусда баён этурлар?

СУЛТОНАЛИ (бир китобни очиб). Бул Миримизнинг шахзодаи валиахд Бадиuzzамон Мирзога тухфалари эрур. То хазрат сultonимизга кадар ўтмуш бир кўп подшолар холотидин сабоклар берур.

АФЗАЛ (китобни олиб, очаркан). Тасанно! Магарким таъ-бир жоиз эрса, устоз танни вужудга келтургон эрсалар, сиз анга зап ярашукли либос кийдирибсиз. (Китобни бериб.) Устоз бунда темурийлардин кимларни ибрат келтирмушлар?

СУЛТОНАЛИ (китобни очиб). Устознинг энг юксак олкишлариiga сазавор бўлmuş зот — жаннатмакон Улугбек хазратлари эрур. Хусусан, ушбу битиклар онинг таърифиндадур:

Анинг абнойи жинси бўлди барбод,

Ки давр ахли биридин айламас ёд.

Ва лек ул илм сори топту чун даст,

Кўзи олдинда бўлди осмон паст.

АФЗАЛ. Ха. Темурийлар аро хеч ким ул зоти бобарокот киби маърифат, тижорат ва ободончилик-чун зўр бермагондур.

СУЛТОНАЛИ. Хакрост. Устоз битгонлариdek:

Темирхой наслидин сulton Улугбек,

Ки олам кўрмади сulton анингдек.

АФЗАЛ. Улугбек Мирзо хакинда бул киби мумтоз каломлар дегонлари чун олий мартаба Миримизга ва ул айтилганларни зеб илиа накш этгонингиз чун Сизга-да хар неча хамду

санолар озлик килур!

Султонали куллук килади.

Эмди, иншоолло, умед борким, шахзодамиз бул ўгитларни дил катларига мустаъмал жо этуб олгайлар. Зеро, Миримиз айтконларидек, шохга якин доно доно эрмас, балким донога якин шох шох эрур.

Иккинчи китобни олиб, кўра бошлаганда сарой мулоzими киради.

МУЛОЗИМ. Таксир, сизни шахзода Музаффар Мирзо била Зулунбек кўкалтош истайдурлар.

АФЗАЛ. Дуруст. Тезда борурмен.

Мулоzим кетади.

Кўрдингизму, иним? Камина неча кунлик орзузи ушалиб, бул саодат маснадига етишгонда, нурафшон офтобимиз жамолин кўргунча бўлмасдин таги абри сиёхлар соясиға кайтмагимиз вожиб бўлди.

СУЛТОНАЛИ (ажабланиб). Хали, шу ерга келиб-да устозни кўра олмадингизму?!

АФЗАЛ (бош чайкаб). Армонким, йўқ. Ул киши хамомда эрконлар. Хўп, бизнинг дуюо саломимизни Миримизга етказурсиз.

СУЛТОНАЛИ (кузатиб чикаркан). Ха, албатта.

Мулоzим кириб, дастурхонни йигиштиради. Китобларни марок билан кўздан кечиргач, пешонасига текизиб, токчага олиб кўяди. Сўнг чойнак ва дастурхонни олиб чикади.

Султонали бир дутор ушлаган йигит билан киради.

СУЛТОНАЛИ. (ўтиришгач). Кани, дўстим, устоз хукмига хавола этмакчи бўлгон ул наъмангизни авзал бир тингласак.

ЙИГИТ. Маъкул, таксир.

Султонали ёнбошлайди. Йигит дуторни созлагач, чала бошлайди.

8-кўриниш

Бог манзараси. Кушлар сайроги авжида. Ихчам сўри ёнига кўлларида китоб ва най килиб ўралган когоz тутган икки талаба келгач, сайраш овози бироз пасаяди.

ШАЙХИМ. Оббо, сезиб колмишлар!... (Дараҳтларга тики-ларкан.) Чамаси Хирот булбулларинда энг хушнаволари шул масканда жам бўлишгондек-а?!

КАМОЛ. Ха, бул лутфингга шак йўктур.

ШАЙХИМ (махлиё бўлганча). Аслида биз кандог мадх эт-макни бийрондалардин ўргансак дуруст бўлур эркон, а?

КАМОЛ. Мен ўзумга ношайиста тахаллус танлабмен — ани ўзгартиурмен. Минбаъд ашъор битсам, анга гализ — Келбатий эрмас, Андалиб — яъни Булбул дебон тахаллус битурмен!

ШАЙХИМ. Бисёр хўб килурсен. Камина-да шундог жазм этурмен: эмди Гарибий эрмас — Хиротий тахаллусин олурмен. Зеро, азим Хирийда хазрат Навоийдек банданавоз бор эркон, шоиru фозиллар асло гарибу бенаво бўлмаслар.

КАМОЛ. Ори рост. Йўқ эрса, биз киммиз? Шунчаки сабокни эмди бошлагон толибул илмлар. Ул зоти комил эрса таъмин-эхтиёжимизни ўз зиммаларига олгонлари устига, боз мударрисимизга учрабон «Салоҳиятли шогирдларни хузуримга йиборингиз» деб, таги рагбат бермушлар ва...

ШАЙХИМ (гапини бўлиб). Эй, кара, ана устознинг ўзлари!

КАМОЛ (караб). Ха, Вале, ўзлари ёлгуз эмаслар-ку...

ШАЙХИМ. Хамрохлари ила кизгин мусоҳабададурлар. Фикрларин чалгитмасдин четда турмаганимиз дуруст бўлус

Талабалар кетишади. Навоий билан Бобо Алининг овозлари эштила ди.

БОБО АЛИ (овози). Мана, орадин неча фурсат кечмасун, бул можаро тахлилига хеч кувваи хофизам етмайдур!

НАВОИЙ (кираётиб).

Кимки фалак сори отур тошуни, Тош ила озурда этур бошуни.

Сиз шумларнинг хар нечук найранг-гуюрликларин кўруб танг бўлмангиз. Зеро, эл-улус хизмати-чун бел бoggамиш кимса шул йўлда ранж-риёзат чекаркан, бунинг неси ажаб?

БОБО АЛИ. Устоз, маъзур тутгайсизким, Сиз факир арзин бошка навъ тушунмишсиз, Магарким, Сиз саройга кайтиб, кандог бўлмасун бирор лавозимда турсангиз бас, бул муло-зимингиз бор вужуди-да эл хизматин адо этгони бўлсун...

НАВОИЙ (юришдан тўхтаб). Хм, бизга эмди сиз хам шун-дог кенгаш берурсиз. Валекин камина ўзга матлаб йўлинда бел бoggab, хар неча колгон умрни хома суруб ўткарурга азм этгонмиз. Сиз эрса ёшсиз, боз устига хома бирла-да ошноли-гингиз йўктур. Бас, шундог эркон, сарой вазифангизни сидки дил ижро этмагингиз фарзу карз эрур.

БОБО АЛИ (кизгин). Устоз! Камина эл назаридин четда колгон бир кимса эрдим.

Ўзингизга якин олуб, тарбият эттингиз ва олий даргоҳдаги мансабга раво кўрдингиз.

(Кўлини кўксига кўйиб). Камина Сизнинг кутлуг кадамингизу муборак нафасингиз

етгулик хар ерда тамоми баҳтиёрлик ва жонсипор-лик ила вазифа ўтмагим мумкиндур.

Вале, Сизсиз факирнинг ул ерда колмоги хеч имконсиздур!

НАВОИЙ. Гап уринг-а! (Кўзадаги сувдан юзини хўлларкан, хазилга буриб.) Мавлоно Бобо Али, онглагайсизким, эмди сиз атосига эргашуб юрадургон гўдак ёшунда эрмас, балким ўзунгиз-да неча ўзгаларга рахнамолик килатургон даражададурсиз!

БОБО АЛИ (илтижо этиб). Устоз, пандларингизга кулок осмаётгон бул ношукрни афу этгайсиз. Вале дилхун арзимни Сиздин ўзга тинглагувчи йўктур. Меним ушбу кунлардаги ахволим бамисли Яссавий хаэрлатлари айтгондек:

Кўзум намли, дилим гамли, мен аламли, Нечук илож айлорумни билмом, дўстлар. Бул хасратда, надоматда ёшум окуб, Каю тараф кеторумни билмом, дўстлар...

НАВОИЙ (юзини артиб). Хм, саройда ахвол кандолигидин бир мунча викифдумиз.

Аммоқим, хеч кимса сизга ножоиз гапурмагон ёхуд хаккингизга дохил килмагондур.

Бинобарин, сизни саройдин четлатмак ё химоя этмак бобинда-да Султонга арз килурга асос хам йўктурун.

БОБО АЛИ. Дарҳакикат, хозирча шундогдур. Валекин саройда нохушлик шамоли наинки кун, балким соат сайин кучибоғ борур. Маъсума малика вафотидин буён шаханшоҳ багоят тунд ва баджаҳлурлар. Боз устига хушёридин сархуши кўпрак бўлур. Айни дамлар ул ерда кечатургон мунофиқлик, фитна-фасод мени шундок холга солурким, ўзумни бамисли суйи поёнига етуб боратургон ховуздаги балик ахволинда сезурмен. Шул важхким, факирга кўргузгон онча саҳоватин-гиз устига таги бир мурувват кўрсатуб, мени кандог бўлма-сун эшук оғалик лавозимидин халос эттурсангиз!..

НАВОИЙ. Хўп, кўурмиз. Биргина сиз учунмас, улус осойишин кўзлабда саройга борурмиз. (Йўл юришда давом этиб.) Ахволни шохга маълум этуб, тартибу адолатга даъват килурмиз.

9-кўриниш

Хусайнин тахтда. Кўлида май тўла кадаҳ, мажхул ўлтирибди. Икки ёнида икки ходим уни елпиб турибди. Ўртада раккоса хазин куйга мос ўйнаётир. Шоҳ гўё кўлида май борлигиниям, ўртада раккоса ўйнаётганиньям сезмаётгандек. Даврадан жой олишган Маждиддин, Морбоз, Соний ва Тарлонбек эса хатто нафас олишсаям шохнинг хаёли бўлиниши мумкинлигидан ҳадиксирашиб, мисоли хайкалдек тек туришибди. Султонга янги бошланган куй ёкмай, бас ишорасини беради. Раккоса ва созандалар кетишади.

ХУСАЙНИЙ (ўзига гапиргандек). О-о, кўнгул бир тозвашъор истайдур...

Улфатлар бир-бирларига карашади. Кейин Тарлонбек туриб шоҳга таъзим этади.
ТАРЛОНБЕК. Олампаноҳ! Магар астойдил йигланса сўкур кўз хам ёш тўкур, дерлар. Илло, салтанатимиз доругаси бўлмуш закий шохимиз шоир, ул кишининг аъёну акобирларин хар иккисидин бири шоир, хусусан, мўъбад султонимизнинг энг якин сулукбардорлари саналмиш Навоий хазратлари шоирдурлар.

СОНИЙ. Ҳакрост — бори айтконларингиз шоирдурлар!

ТАРЛОНБЕК (салмоклаб). Аларнинг табаррук нафаслари сингмиш хаводин баҳраманд ўлуб... биз хам бир ашъор битуб эрдук... Башартики хазратим... кулок тутмакка истак билдири-салар...

ХУСАЙНИЙ (кош чимириб). А?

ТАРЛОНБЕК. Эмди шохим... (чайналади.) Бул кулингиз...

ХУСАЙНИЙ (сал илжайиб). Бизга ашъорингиздин-да бул жабхага журъатингиз галат туюлар. Ҳўп, кулогимиз сизда бўлсун.

ТАРЛОНБЕК. Куллук, шохим. (Тутила-тутила ўкишга тушади).

Бул фонмий дунёда осмон битта, тенгритаоло битта, Умматлар кўп, vale пайгамбар Расулилло битта.

Тенгрим берур бировга дунёю зеб ададсиз,
Лек бермас чака бирига этсун минг тавалло битта.

Мулки Ҳурносонда юлдуз мисол шуаро бисёр, vale,
Алар ичра шоир Навоий ой янглиг индалло битта.

Ой-юлдузлар айлаб тун багрини равшану

Лек бори бўлгайлар нихон чикса куёш иншоолло, битта.

Эй султону зиёбахш куёшимиз, бокий яшанг, деб, Тарлоний кулингиз битмуш ашъор, алхамдуилло, битта!

МАЖДИДДИН (шохнинг мийигида жилмайганини кўриб, Тарлонбекнинг елкасига кокаркан). Э, оғарин, Тарлонбек! Сиз жамийки шуаро мадхини шул беш байтда жамъ этиб-сиз — бинобарин бул жабхада-да камолга етибсиз, оғарин!!

МОРБОЗ. Биз сизни шул дамгача шамшири кесир, забар-даст саркарда деб билурдик, эмди аён бўлдиким, назмда-да нак маликушшаро эркансиз!

СОНИЙ. Ажааб!.. Кулогимга бамисли сўфининг азонидек кириб, калимаи шаходатдек ўрнашмишким, осмон биттаю худой таолло битта, кўп умматлар аро пайгамбар Расулилло битта. Давлатпаноҳ султонимиз азми-да обод Ҳурносонда юл-дузлардек шуаро бисёру vale алар ичра тўлур ой мисли Навоий хазратлари биттадур. Ва ой-юлдузлар тун зулумотин ёритгайлару (таъкидлаб) аммоким хуршидтобон султонимиз шукух-ла кўриниш берсалар — бори шу он чекингайлар!..

ХУСАЙНИЙ (илжайган кўйи). Хм, «шоир Тарлоний», магар дурустрек боксалар, одам бўлатургон кўринурсиз.

ТАГЛОНБЕК (куллуклаб). Тенгрим сизнинг мурувватингизни дариг тутмаса, иншоолло! МАЖДИДДИН. Э, иним, модомики ваълинеъматимизнинг ўзларики «одам бўлурсиз» дебон лутф эттиларми—билинг-ким, бул толе офтобингиз таважжухин нишонасикур! СОНИЙ. Филхакикат, рост айтурсиз — айни шундог!

МОРБОЗ (бош сараклаб). Афсуским, бу анжуманимизда шеър муюкининг султони хозир эрмаслар. Акс холда мўъта-бар зотнинг ўзлари шоири навбарга кандог баҳо бергонларин шоҳиди бўлур эрдук!..

ХУСАЙНИЙ. (май ичаркан, хомуш тортиб, ўзича). Хм, Навоий... Бир замонлар бўлуб тургон нафис мажлислару кизгин мушоиралари кани онинг?.. Ўзи камнамо, башарти биз чор-лагудек бўлсак-да, келуб даврани безаб, мажлисни кизитмак ўрнига... нукул турфа ишлардин арзу шиквалар этур...

СОНИЙ (секин гап кўшиб). Дарвое, шоири комилимизнинг янги битиклари-да галатроқдур:

Мени мен истаган ўз сухбатига аржу манд этмас,
Мени истар кишининг сухбатин кўнглум писанд этмас...

МАЖДИДДИН (жимликни бузиб). Шохим, тенгрига шукрким, салтанат тинч, навкарларингиз жанговар, фукаро эрса итоатдадур. Бас, шундог эркон, шоиримуз айткондек, кангулни-да хуррам этконга не етсун?!

ТАРЛОНБЕК (жомларга шароб куяркан).

Эй Навоий, бода бирла хуррам эт кўнглунг уйин,
Не учунким бода киргон уйга кайгу келмади.

Ичишади.

МОРБОЗ (соколини артиб). Илло, камина шоирлар пешвоси — мухтарам Навоийдин мажлисимиизни яшнатургон шул киби байтлари-чун багоят миннатдормөн. Валекин Мир Али-шернинг матлуби недур — таассуфким, асти тушунолмасмен.

СОНИЙ (боши билан тасдиклаб). Ха, собик амир Алишер-нинг автори бир кадар жумбокдур. Ахир доруссалтанатда аввало маликул-олам султонимиз, колаверса, ул шерзот барчамизга раҳнамо бўлуб, яхши хулкимиз-чун рагбат, аксинча эрса танбех айлаб турмаклари жоиз эрмасму?

Шериклари маъкуллашади.

МАЖДИДДИН (шохнинг сукутини бузиб). Шохим, магар ижозат берилса, сизни баъзи миш-мишлардин ифшо килур эрдум.

ХУСАЙНИЙ (елпувчиларга кетиш ишорасини бериб). Кандог миш-мишлар?

МАЖДИДДИН. Муборак хотирингизда бордур — бир кун жиянингиз Давлатбекни чорлаб, ўгитлар бергонингиз?

ХУСАЙНИЙ (хушламай). Хўп, не бўлубдур?

МАЖДИДДИН (сирли овозда). Шул воеа ила баглук — сўзлашга-да тил бормайдур — хунук хол содир бўлмишдур...

ХУСАЙНИЙ (токатсиз). Мухтасар этингиз, не гапдур?!

МАЖДИДДИН. Алишер... дўстунгиз жамоат оллида бир латифа айтмишдур. Эмишким, сиз, мудом маст-сархуш юриши-ла шаъни муборакингизга ношойисталик этгувчи жиянингизни хушёру окилликка даъват этиб, башарти бул шевасин тарк эт-са, бир катта вилоят волийлигин ваъда килибсиз. Алкисса, Давлатбек нописандлик бирла «Аё, бузруквор, мен бул одатим тарк этуб олатургон хокимликни не килай, качонким, май

ичгач ўзумни султон деб билсам» дегон Эрмуш...

СОНИЙ (чўчиб). Об-бо! Ким не деса десун, vale Алишердек зотдин бул жумла лозим эрмас эрди. Зеро, жумлаи мўминни кулдирмак — бул тенгри ёдин унутмақдир — бир гунох эрса, таги ким устидин кулмак — ул айтилғоннинг маъноси бу туур-ким: тогойиси шох бўлатуруб май ичур, жиянлари эрса май ичгач ўзин шох фараз этур — эл наздида хунук мукоясаким, бунисин юз гунох демак-да камлик килур!

МОРБОЗ. О, худрой Алишер! Юраги наинким отнинг каласидек онинг — бундог калтис гаплар айтур! (ёка ушлайди.)

МАЖДИДДИН. Олампаноҳ! Сиз мудом, хусусан, базму жамшиidlар асноси Алишерни йўқлаб, онинг шодиёна дамлар ёнингизда ўрни бўш турғонидин афсусланурсиз.

Валекин... дўстунгизнинг садокат-мехри сизнича эрмас, ёким сизнинг бирор тадбирингиздин ранжиб, онинг дилидин меҳр-садокат кўтарилигандур. (ёнидан когоz олиб). Акс холда ул сизнинг шарафвор базмларингизга келуб туур ва бундог мисраларни битмас эрди:

Гарчики, шах базми эрур дилрабо,
Вожиб эрур айламак андин ибо.
Махрами зимнида эрур хешлар,
Нўши ичинда тикилур решлар.
Гул кўринур, ёнмда юз хори бор,
Бор эрса бир айш, минг озори бор.
Когоzни шохга беради. Нокулай жимлик.

ТАРЛОНБЕК. Шоҳим! Ўзунгиз шохидким, камина хазрат Навоийни не чогли эъзоз этурмен — бояги битмиш фахриям хам онга бўлгон чексиз ихлосим хосиласи эрди. (Афсусли таъкидлаб.) Аммо кеча ул киши туфайли юз бермиш холдин сизни боҳабар этмасам, хазратимга бўлгон садокатимга хаёнат этгон бўлурмен.

ХУСАЙНИЙ (когоzни ташлаб). Таги не содир бўлмишдур?!

ТАРЛОНБЕК. Кеча окшом юзбоши Сиртлонбек каминага учраб, сизга маълум этмакни ўтиндиким, онинг минбаъд хаз-ратимга садокатла хизмат этмаги хавф остинда колмишдур.

ХУСАЙНИЙ (асабийлашиб). Яккаш «садокат-садокат» дебон лоф ургонча равшанрак десангиз-чи — муддаоси недур онинг?!

ТАРЛОНБЕК. Маъкул, шоҳим. Кеча юзбоши ўз навкарлари-ла Миробод кишлоги нуфусин хайдаб келаётган эркан. Бозор ёнинда — дўстингизга рўбарў келибдур. Ул зот бандилар кимлигини суриштургон эркон, юзбоши аларнинг солик тўламакдин бosh тортгон осийлар эрканлиги, шул важдин ўзга-ларга-да ибрат бўлсин-чув аввал сазойи этуб, сўнг зиндонга юборилажагини маълум килибдур.

Алкисса, Алишер жаноблари халойик оллинда бекка «Боракалло шижоатингизга, — дебон киноя этмушлар, — аммо-ким сиз тугилғонда исм танлагонлар янглимиш: зеро сизни Сиртлонбек эрмас, балким Мушукбек деб атасалар айни ат-вори аъмолингизга мос тушур эркон» дебдур.

МОРБОЗ (ёка тутиб). Астагфурилло!..

СОНИЙ. Илоҳо хуружи ногихонийдин ўзунг асраригил, парвардигор!

МОРБОЗ (яниб). Сиртлонбек Алишердин шохимиз хизматин адо этмақда бўлгон эътиборли бекни халойик оллинда не-чук бундог беобрў этмаги боисин талаб этмабдурму?!

ТАРЛОНБЕК. Талаб этмақдин не нафъ? Алишер жаноблари кимга не демасун — они

тергайтургон кимса йўктур — шул боисдин юзбошига-да нописандлик бирла жавоб этубдур.

Сахна коронгулашиб, от кишнаши, оломон говури эштилади. Прожектор нурида Навоий бир хамрохи билан ва (қўринмаётган) от жиловини тутган мулозим билан Сиртлонбек (бир кўлида кам-чи, иккинчисини килич дастасига кўйган, важокатли киёфада) кўринадилар.

НАВОИЙ (бош сараклаб). Сиз бундог карамангиз, бек. Сизни мушукка менгизиб, ўзидин кучли олдида сичкон бўлур, сичкон оллида эрса арслондур, демагим боиси шулким, бурноги йил бир ёв босгонда бир нечалар мудофаани ташлаб кочишгон ва то ўзумизни ўнглаб олгунга кадар кўп бегунохлар ёстуги куригон эрди. Кейин маълум бўлдики, ўшал дам сизнинг навкарларингиз энг аввал жуфтак уришгон ва ўзун-гиз, билмам, кай бир сичкон инин макон айладунгиз эркон?!

Бек ноилож ерга карайди.

Сиз ўшал хиёнатингиз-чун жазо олув ўрнига, таги кимларнинг рахнамолиги илиа чорасиз элни банди зиндан этувлик «касбивга етишдингиз эркон?!

Нур учади. Сахнада яна шох ва улфатлари.

СОНИЙ (газабнок). Бул хамокат! Шоҳим, биз содик кулларингиз кафилдурмизким, Сиртлонбек асти саваштин коча-тургонлардин эрмасдур!!

МОРБОЗ. Тўгри, онинг номард навкарлари саваштин кочишгон эрди. Вале бекнинг ўзи бизнинг ёнимизда эрди — бизни ёгийдин химоя этиб жонсипорлик килди.

МАЖДИДДИН (салмоклаб). Хўп... ўтгон ишга саловотдур. Аммо кеча бек хизматда эрди — хокони мансурнинг фармонин адо этмак йўлинда саъй килгондур. Алишер эрса айни дам амалдорликни тарк этгон, бинобарин, бул жабхага бевоси-та аралашувга хакли эмастур — нечук юзбоши буни эслатмаб-ДУР?

ТАРЛОНБЕК (кўл силкиб). Эслатмак кошким самар берса, билъакс, бамисли ўтга ёг сепгондек тагида онинг хуружин оширмуш!..

Яна прожектор ёниб, Навоий билан Сиртлонбек намоён бўлишади.

НАВОИЙ (бош чайкаб). Хей... Хайф сизларга марданалик, мансабу маош! Айтинг-чи, качондур эл сизлардин бир неглик-химоят топконмукин?! Йўк! Яккаш жабру ситам, бедодлик кўргондур — кайсиким киёси чет ёвникидин ортуқ бўлса ортуқ, аммо асло кам эрмас!

СИРТЛОНБЕК (тижиниб). Так-сир!... Сиз баногох йўлумни тўсуб... худа-бехуда гаплар айтурсиз. Камина неларнидур андеша килурмен, сиз эрса буни кўркокликка йўйурсиз. (Таъкидлаб). Аммо хотирингиз фаромуш этмагайким, сиз бул кунда амир эрмас, шунчаки бир... шоирсиз, холос!

НАВОИЙ (сокол тутганча бош иргаб). Хали меним дегон-ларимга топкон жавобингиз шул эрса, анда шундан-да хурсанд бўлмагингиз жоиз эркан. Негаким, мабодо шул тоб амир хам бўлгнимда, бул бандиларни элтур жойингизга ўзингизни йиборур эрдум!

Сахна ёришиб, яна шох ва улфатлари кўринишади.

ТАРЛОНБЕК. Окибат эрса амири собик бандиларни дархол озод этмакни талаб килибдур. Атрофдаги халойик хам шундок талаб этгони ва навкарларин мулзам бўлгонин кўргоч, бек ноилож аларни озод этуб, олингон ўлжаларни-да кай-тармакка мажбур бўлубдур.

МАЖДИДДИН (ташвишли). Алишернинг авомни итоатсизликка унданб, шижоатли бекларнинг нуфузун тушурмаги... яхшиликка олуб келмайтургон иш бўлубдур!

Шох юзи тиришганча хеч кимга карамасдан ўтиради.

ТАРЛОНБЕК. Давлатпанох! Сўнг юз бергон холни айтургада тил бормайдур: халойик Навоийни дуоларга гарк этиб, бечора кулингиз Сиртлонбекни лаънатларга кўммишлар. Мах-фийлар хабар беришларича, нукул «Хайриятким, толеъмизга Навоий хазратлари бор — таянчимиз бордур. Илоҳо ул зотнинг умрлари узуну ракибларин холи забун бўлгай!» дебон дув-дув килмишлар.

МАЖДИДДИН (капалаги учиб). Их! Бул можаро эмди бо-зор боргон юз-юзлар оркали атроф-вилоятларга-да таркалур!..

СОНИЙ (безовталаниб). Ва... Алишер дуога ноилу бизлар... (Бирдан шохга ёлвориб). Олампанох! Камина кулингизнинг Сиздин бир ўтунчи бордур, умеворменким, рад этмассуз деб!..

ХУСАЙНИЙ (хушламай). Не эркон ул?

СОНИЙ. Ўзингиз яхши билурсизким, биз кулларингиз, бамис-ли тузингизни ялагон итингиз киби, сизга беадад содикдур-миз. Вале, надоматким, харчанд уриниб-да дўстингизга мак-бул келмадик — сиз бизни якин олгонингиз-чун кек килиб ул юксак мансабдин хам воз кечди...

Шохим, эмди... Алишернинг бул киби хуружлари авж олаберса, оми авом эрса яккаш они дуолаб, бизни лаънатлайвер-са... Машойхлар худонинг газабидин-да бандалар лаънати баъддур, демушлар. Мен кўп хавотирдамен ва то бирор бало-га дучор бўлмасдин... сиздин илтижо этурмен, ки бирор бў-лак лавозим беруб, мени саройдин четлатсангиз!..

МОРБОЗ. Маликул олам, биз сиздин, гар салтанатни тан билсак, анга бош санаб, заррача бўлсун раъйингиздин айри юрмасмиз, Вахоланки, барчамиз жам бўлуб-да сиз-чун ёлгуз Алишерчалик эътиборга молик эмасдурмиз. Тўгри, дўстингиз хам сизни ўзидин расман юкори тутур — гар таъбир жоиз ўлса ул зот мансабдор кезлари салтанатни тан санаб, биздин фаркли ўзуни бошу сизни шул бош узра кийилгон тож монанд... (Илтижога ўтиб.) Олампанох! Токим биз саройдамиз, Алишер тинчимас — мен бунга аминмен ва аввало сизнинг осойишингизни деб... бундаги вазифамдин кетмакка сиздин изн тилармен!..

МАЖДИДДИН. Шохим, мен хам ўзумча айни шул ахдга келиб эрдим. (Маслаҳат охангига.) Сиз муваккат бўлса-да, бизнинг саройдин четланмагимизга ижозат этиб, Алишерни мансаб или таги сарафroz этсангиз. Мушоҳадамча, онинг ўзи-да бир газал мактасинда айни шуни шамаъ этур: Эй Навоий, гар вафосиз чикти ул Султони...

Топтунг элдинким, тиларсен эмди султондин вафо.

ТАРЛОНБЕК. Башартики шоиримизнинг матлуби мактадин онгланса, ул зот... айни дамлар шукухли султонимиздин кўра валиаҳд шахзодага кўпрак эътимод билдирур: Эй Навоий, бул хазон ўлгай бахор или бадал, Келса давлат гулбуни шахзодаи сохиб жамол.

МАЖДИДДИН. Фикримча, Навоий хар не ишни сўз ва хома или адо этмак мумкин, деб ўйладур. Вале, ишонч комилким, ўткур килич ва тадбиркор аъёнларсиз бори иш танназулга юз тутажагини доно шоиримиз тезда онглаб олур. (Таъкидлаб.) Качонким шукдай хол юз бериб, сиз бул кулларингиз-ни яна саройга чорласангиз, биз «лаббай» дебон тиги хузурингизга шошилурмиз ва...

ХУСАЙНИЙ (гапини бўлиб). Бас! Хеч кимсага саройдин кетурга ижозат йўқтур ва ортук бул хусусда огуз очилмасун!

МАЖДИДДИН (шериклари билан кўз уриштириб). Амрингиз вожибдур, шохим. Аммо, Алишер жаноблари бундин...

ХУСАЙНИЙ. Биз Алишернида тартибга чакиурмиз.

МАЖДИДДИН (вазминлик билан). Олампанох, сизга бори иш осондур. Валекин бул борада пухта ўйлаб иш килинма-са — Алишер, хусусан, кечаги воеа боис авомнинг эътиборин козонгандур — тўгри тадбир-да эгри шархлануб, турфа но-хушликлар олуб келмаги мукиндур.

ХУСАЙНИЙ (бироз сукутга кетиб). Не маслахат бўлур?

МАЖДИДДИН. Дўстингизга ўзунгиз такаллуф-ла бир мактуб битиб, салтанатнинг бирор нотинчрок вилоятига маълум фурсат... волийлик таклиф этсангиз,

СОНИЙ. Айни дамлар Мозандарон тарафлар нотинчдур, хусусан, дорулфатҳ Астробод... Бир ўқ ила икки овни урмакда мумкин бўлур.

ТАРМОНБЕК. Устод шоиримиз-чун ул жойлар пойтахт гал-валариндин йироклиги боис хотиржамлик маскани бўлур, айни дамда бул тарафда тартиб ва итоат тикланур — яъниким ўз суянчларидин ажрамиш бевош фукаро хам узун тилларин тишлаб, аклларин пешлай олур.

СОНИЙ. Аммоқим Алишер Хирийни кўп севадир. Бундаги «Унсия», «Шифоия», «Халосия» ва хаказо «иля-иля» хоналари хамда мухлису мусохибларин согинур. Сўнг эрса сизга пай-дар-пай мактублар йибориб пойтахтга кайтмаклик илтижосин килур.

МОРБОЗ (таъкидлаб). Ва факат андин сўнг Алишер, худройлик бефойда эрконин — яъни салтанатда барчага ўз хукмин ўтказгувчи сохиби тож — хукмдор мавжудлигин комил онглаб олур.

ХУСАЙНИЙ (ўрнидан туаркан). Розимен. Фармони олий ва мактуб тайёrlангиз.

МАЖДИДДИН (таъзимлаб). Куллук, шохим. Минбаъд биз тамоми эркин ва бехавотир иш юрита олурмиз.

Шоҳ хеч нарса демай кета бошлайди.

СОНИЙ (шериклари билан кўз уриштиаркан, эшикдан чи-каётган шохга эшиттирмай).

Амир Алишер, энди боруб Мозандарон тўйайларинда шерлик килурсен! Ок йўл!!

Кув куладилар. Шу асно мулозим киради.

Навоий хазратлари ташриф буюрдилар!

Шоҳ улфатлари бир дам саросимага тушиб колишади.

ХУСАЙНИЙ (мулозимга кўза ва жомларни кўрсатиб). Булар олинсин, сўнг кирсин, (Мулозим чиккач, улфатларга.) Тез ана ул эшикдин чикингиз!

Улфатлар ёв кувгандек, тез чикишади. Ходим кириб, кўза-жомларни олиб кетади. Кейин Навоий киради.

НАВОИЙ (таъзим этиб). Ассалому алайкум, шохим.

ХУСАЙНИЙ (пешвоз юриб). Ваалайкум ассалом, Алишер. (Кўришаётib.) Биз хозир хазрат Хизрни йўқласак бўлуркан, келингиз.

НАВОИЙ. Биз хам ул хазратнинг муридларидин биридурмиз — йўқловингиз боисин билсак бўлурму?

ХУСАЙНИЙ (Навоийнинг тирсагидан олиб, секин чика бошларкан). Сизни базму жамшидларимизга чорласак:

Гарчандки, шах базми эрур дилрабо, Вожиб эрур айламак андин ибо, дебон келмассиз. Эмди эрса бир мушкилот юз бериб, сулук маслахат-мададингизга мухтоҷ турууб эрдик.

Эшикдан чикишгач, шохнинг «Дастурхон ва тўшаклар янгилан-сун» дегани эшитилади. Ходимлар киришиб, уларни алмаштириша-ди. Сўнг хонани елпиб, хавосини хайдашади, мушк сепишади ва чикишади.

НАВОИЙ (киришаркан, эътиroz билдириб). Дўстим, бул вазифани имону садокат бирла адо этатургон бек-амирлар оз эрмас. Бизни эмди давлат ишларидин тамом озод этсангиз, токим Сизга хизматимиз ёлгуз хома ила бўлса.

ХУСАЙНИЙ (унамай). Дўстим, биз Сизнинг не чогли мухли-сингиз эрканимиз, харгиз исботга мухтоҷ әмастур. Вале салтанат муҳофазаси бизни шул дам айни шундог азм этмакка ун-дайдир. Олингон муълумотларга инонсак, Астробод хокими амир Мўгулбек исён тайёрламакдадур. Алкисса, ул ерга ўзга хар кандай бек ёхуд шахзода бормасин, кўп бехуда кон тўкилмаги мукаррардур.

Навоий ўйланиб колади.

Дўстим, бизни шул мушкилотдин куткаргайсиз ва бул Сиз-га бизнинг сўнгги топширигимиз бўлур. Харканча лашкар бўлса олгайсиз, ишқилиб, ул вилоятда тартиб баркарор бўлса бўлгони. Сўнг эрса биз Сизни таги ўз машгуллигингизга кайтарумиз. **НАВОИЙ**. Начора. Юрт осойишин деб бул вазифани зиммага олурмиз. (Таъкидлаб.) Вале, фикримча, нотинчлик нафа-кат ул ерда, балким бошка вилоятларда ва хатто пойтахтлар-да юз бермақдадур.

ХУСАЙНИЙ (тасдиклаб). Рост. Аммо ўзгаларин бартараф этмакка ўзумизнинг курбимиз келур, бул тарафдин хотуржам бўлунгиз.

НАВОИЙ. Дўстум, улуг бобокалонингиз Темурбек ўз тузукларинда «Кайсиким вилоятда тиланчи ёхуд ўгри чикибтур, ул вилоят хокимин бешафкат жазоладим» демишлар. Сиз хам ўз вилоятларингизни адолат назари ила бир тафтиш эттирангиз, кани жаннатмакон бобонгиз айтмиш жазога хокимларингиздин нечаси мустахик бўлур эркан?

ХУСАЙНИЙ (яна юришга бошлаб). Бори айтконларингизни биз эътибор ила кўруб чикурмиз, токим Сиз мумкин кадар тезрак ва хотуржам ўз волийлигингизга киришгайсиз, деб.

НАВОИЙ (когоз узатиб). Сиз мудом бизнинг янги битикла-римизни ўкуб, фикират билдирур эрдингиз. Шул боис, ушбуни-да факир Сизнинг муборак назарингизга хавола этмакни дилга солуб эрдик.

ХУСАЙНИЙ. О, бул биз-чун айни муддаодур. Кани, кутлуг хомангиз бу гал неларни битибдур эркон. (Олиб, ўкийди.)

Маига килса юз жафо
бир катла фарёд айламам,
Элга килса бир жафо,
юз катла фарёд айларам....

Бироз жавоб тополмай колади.

Хм, маъкул, дўстим. Бул битигингизни-да биз ёд олурмиз. Хотирингиз жам бўлгайким...

Сизни фарёд айлататургон хол-ларга имкон колмас.

Яна юриб чикишади, Мулозим чой ва мева олиб киради.

Тамом

Боборахим Омон

